

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

КУРС ИШИ

**МАВЗУ: АМИР ТЕМУРНИНГ БУНЁДКОРЛИК
ИШЛАРИ.**

**БАЖАРДИ: Ботирова Н.
ТЕКШИРДИ: Абдуназаров А.**

ТОШКЕНТ 2012

МАВЗУ: АМИР ТЕМУРНИНГ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ.

Режа:

- 1. Амир Темур томонидан Самарқанд барпо этилган меъморий ёдгорликлар.**
- 2. Амир Темур томонидан Шаҳрисабзда барпо этилган меъморий ёдгорликлар.**
- 3. Соҳибқирон даврида Тошкент воҳасида барпо этилган меъморий обидалар.**
- 4. Соҳибқурон яратган боғу-роғлар.**
- 5. Хожа Ахмад Яссавий мақбарасидаги сирли ёзувлар.**
- 6. Хулоса.**
- 7. Фойдаланилган адабиётлар рйўхати.**

Кириш

Тарихга назар ташлар эканмиз, Мовароуннахр ҳудудида қанчадан – қанча асрларга татигулик воқеа ва ҳодисалар бўлиб ўтган. Аммо мустабид тузум вақтида ўз тарихимизга бўлган эътибор суст кечган даврдир. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач ўз тарихимизни қайта ўрганиш жадаллик билан бошлаб юборилди. Хусусан ўша мутабид йилларида “қонхўр”, “жаллод”, “йўлтўсар” деб халқ онига уқтирилган. Соҳибқирон Амир Темурнинг қандай шахс эканлигини нафақат бизни олимлар, балки бутун дунё олимлари исботлаб бердилар.

Бинобарин, қарийб 500 йил ҳукумронлик қилган темурийлар сулоласи хусусида эса, жаҳон адабиётида илмий асарлар, романлар ҳамда сахна асарлари яратилиб келинди ва яратилмоқда. Шунингдек, жаҳон олимлари томонидан темурийлар сулоласининг шажараси инглиз, француз ва немис тилларида ёзилган ва нашр қилинган. Бизда эса Темур шахсига ва унинг авлодига нисбатан “босқинчи”, “қонхўр” ва “жаллод” каби иборалар билан тамға босиб, халқ назаридан четлаб келинди. Ҳолбуки, Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги қўлёзма манбаларни чуқурроқ таҳлил қилинса, унинг “босқинчилик” ҳарбий юришларининг туб моҳияти нимадан иборат эканлиги бир қадар ойдинлашади. Зотан, Амир Темур Мовароуннахрда йирик марказлашган давлатни барпо этгач, эндиликда бутун куч-ғайратини туркий халқларни бирлаштиришга, яъни Турк ҳоконлиги (552 745) давридаги турк халқининг мавқеъини қайта тиклаб, Улуғ Турон давлатини барпо этишга қаратган эди.

Амир Темурга хос бўлган қатор фазилатлар ичида илм аҳлига эҳтиром ва ғамхўрлик алоҳида ажралиб туради. Мустақиллик йилларида биз улуғ бобомизнинг хотирасига муносиб эҳтиром кўрсатиш имконига эга бўлдик. Турон халқининг энг ёрқин давларидан бири, шак-шубҳасиз, Амир Темур номи билан боғлиқдир. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг куйидаги сўзларида халқимизнинг улуғ давлат арбоби Амир Темур хотирасига бўлган муносабати мужассамлашган: “Амир Темур шахсини идрок этиш тарихни

идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш ўзимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш тарих қарига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир”¹.

¹ И.А.Каримов, Амир Темур ҳақида сўз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996, 34-б.

1. Амир Темур томонидан Самарқанд барпо этилган меъморий ёдгорликлар.

“Қайси мамлакатни забт этган ёки қўшиб олган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутдим... Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулми ситам йўлини тўсдим” (Амир Темур ўғитларидан)

Самарқанд сайқали рўйи замин аст.

Соҳибқирон даврига келиб у хукмронлик қилаётган салтанатда маданий тарққиёт ўз ривожининг юксак чўққисига чикди. Самарқанд салтанат пойтахти этилгандан сўнг, у ўзининг эски қиёфасини тез суратлар билан ўзгартира бошлади.

Янги келинчак каби ўз жамолини кўз-кўз қила бошлаган Самарқанднинг бебаҳо ёдгорликларини яратилишида Соҳибқирон олиб борган улуг ободончилик ишлари ҳаммамизга маълум.

Уч йиллик, беш йиллик ва етти йиллик юришлар ва урушлар туфайли қўлга киритилган ғалабалар натижасида, қарам бўлган мамлакатлардан ҳисобсиз бойликлар, қўли гул қурувчи усталар, нозик дидли хунармандлар Темур амрига асосан Самарқандга шиддатли дарё сингари оқиб кела бошлади. Шу сабабларга кўра Кеш, Самарқанда, Бухоро, Балх, Хирот каби шаҳарларда ва қолаверса салтанатнинг қолган шаҳар ва қишлоқларида ҳам бунёдкорлик ишлари авжига чиқа бошлади. Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, карвонсаройлар, кутубхона ва шифохоналар қурилди. Салтанатдаги деҳқончилик ва хунармандчиликнинг ривожланиши натижасида савдо-сотиқ ҳам тезкорлик билан ривожлана бошлади.

Пойтахтда 1370 йилда, ундан беш йил аввал эса кўҳна Қаршида ва 1380 йилда Темурнинг она-юрти Кешда мустаҳкам мудофаа кўрғонлари барпо этилди. Кешда қурилган машҳур “Оқ сарой”, “Дор ут-Тиловат”, “Дор ус-Саодат” каби мажмуалар, Самарқанддаги “Бибиҳоним” ансамбли, “Тўри Амир” ҳилхонаси, “Шохи Зинда” мажмуаси, Туркистонда Ахмад Яссавийга атаб бино қурилган улкан мажмуа ва бошқа кўркем қурилшлар Соҳибқироннинг куч-қудратини ўз даврида олам аро кўз-кўз қилди.

Бунёдкорлик фикри билан яшаган Соҳибқирон биринчи навбатда ўз империясининг пойтахти Самарқандни дунёнинг энг гўзал ва обод, кўркем ва тенги йўқ шаҳарлардан бирига айлантиришни ва бу шаҳарни дунё пойтахти даражасига кўтаришни ўзининг бош вазифаси деб билди ва бу соҳадаги илк қурилишни 1370 йилда шаҳар атрофида қалъа девори қуриш билан бошлаган эди.

Муғуллар истилосидан сўнг 150 йил давомида қаровсиз ва вайрон бўлиб ётган шаҳар, Темур даврига келиб, гуллаб-яшнаб бошлади. Ҳаёт манбаи

бўлган зилол сув маҳсус ариқ ва қувурлар орқали Зарафшон дарёсидан пойтахт Самарқандга олиб келинди. Шаҳар марказида салтанат арки ва гўзал бинолар барпо қилинди, ҳамда улара халқ тамонидан эъзозлаб “Кўк сарой”, “Бўстон сарой” деган номлар билан атала бошланди. Арк мавзесида масжид, кутубхона, ҳукмдор учун яшаш бинолари мажмуаси-сарой, хазина ва пул зарб қилинадиган кўрғон, қурол-аслаҳа устахоналари, ҳаммомлар, шифохоналар, ҳамда зиндон мавжуд бўлиб, арк атрофи калин ва баланд девор билан ўралган эди.

Меъморилик санъатидан хабардон бўлган нозик дид эгаси Соҳибқирон қурилатган биноларни доимий равишда ўзи назорат қилиб турган, лекин у ҳарбий юришларда бўлган чоғлари қурилган бинолар ҳукмдорнинг талабларига жавоб бермаса, уларни буздириб ташлаган ва янгидан қуришга фармон берган.

У сафарда бўлган пайтида қурилган “Бибихоним” жомеъ масжиди унинг хотини Сарой Мулкхоним қурдирган мадрасадан паст бўлганлиги сабаб масжид буздириб ташланган ва янгидан қурилганлиги, сарой йилномачиси Ибн Арабшоҳ баённомаларида ўз аксини топган. Бу далиллар ҳукмдорнинг нақадар нозик дид эгаси бўлганидан дарак беради.

Амир Темур ислом дининг жонкуяр уламиси сифатида масжид биносининг бошқа бинолардан устун туришини жуда ҳам ҳоҳлаган ва бугни амалда исботлаб, халқнинг олқишига сазавор бўлган. Ҳозирги кунда дунёнинг турли бурчакларидан гўзал ва навқирон Самарқандга келатган саёҳатчиларни жомеъ масжидининг меъморий ижроси ҳамон ўзига мафтун этаётгани бунинг яққол далилидир.

Ҳукмдор амри билан ўз даврининг зиёратчиларию сайёҳларининг диққатини дунё пойтахтига жалб қилиш мақсадида кўпгина маданий ёдгорликлар барпо қилинди. Мавжуд бўлган асориютақалар эса таъмир этилди. Бу борада машҳур “Шоҳи Зинда” ансамбли Соҳибқирон эътиборидан четда қолмаганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Ушбу мажмуа таркибидаги ислом дини асосчиси Муҳаммад Пайғамбарнинг амакиваччаси Аббоснинг ўғли Қусам қабри устига Соҳибқирон амри билан янги қабр тоши қўйдирилгани ва бу билан Қусам ибн Аббоснинг хотираси мусулмон дунёсида абадийлаштирилгани алоҳида аҳамиятга эгадир. Темур ва темурзодалар тамонидан бу ансамблдаги 20 дан ортиқ қабрлар таъмирланиб, уларга мақбаралар барпо этилгани мақтовга молик воқеалардан ҳисобланади.

Соҳибқирон даврида қурилиб, доврўғи оламга кетган обидалардан яна бири “Тўри Амир” мақбараси ҳисобланади. Бу ҳилхона Темурнинг севимли ўғли Жаҳонгир Мирзонинг зурриёти бўлмиш ва ҳукмдор тамонидан чексиз ардоқланган набираси Муҳаммад Султон шарафига барпо этилган. Бу мақбара нақадар улуғвор ва гўзал бўлишига қарамай, Соҳибқирон ҳоҳишига кўра 1404 йилнинг куз фаслида жуда ҳам қичқа муддатда, яъни 10 кун ичида

куриб битказилганлиги, ақлга сиғмайдиган воқеа бўлиб, хукмдорнинг куч-кудрати нималарга қодир эканлигини намоиш этган. Кейинчалик бу мақбара темурийлар ҳилхонасига айланиб. Бу ерга Соҳибқирон Ҳазрати Олийлари, ул зотнинг ўғиллари Шохрух, Мироншоҳ, набираси- юлдузлар султони Мирзо Улуғбек ҳамда Темурнинг пири устози Саид Баракалар дафн этилган.

Мажмуадаги мавжуд даҳмаларни жойлашувидаги диққатга сазавор жойи шундаки, Соҳибқирон ўз қабрини устози ва пири Саид Бараканинг оёқ тамонида бўлишлигини васият қилган. Хукмдорнинг бу васияти 1409 йили унинг ўғли Шохрух тамонидан амалга оширилган., яъни 1404 йили Қорабоғ(Кавказ)да вафот этиб, она шаҳри Андхудда дафн қилинган Саид Бараканинг ҳоки-сори шахзода Шохрух амри билан Самарқандга олиб келинганлиги, Соҳибқироннинг бош тамонига дафн этилганлиги, буюк саркарда Темур васиятларининг бири амалга ошганлигидан даракдир.

Дунёни титратган салтанат соҳиби Амир Темур Самарқандни жаҳоннинг энг кўркам ва гўзал шаҳарларидан бирига – ер юзининг “сайқалига” айлантиришни ўзининг асосий вазифаси деб билди. У режалаган орзу-умидлар бўйича Самарқанда Соҳибқироннинг куч ва кудратини жаҳонга кўз-кўз қилиб кўрсатиши керак эди. Кўркам ва гўзал Самарқанд олдида дунёнинг бошқа пойтахтлари худди кичик-кичик қишлоқларга ўхшаб, кўримсиз бўлиб туриши лозим эди. Ана шу орзу-умидлар оғушида у пойтахт атрофида бир қанча манзилгоҳлар барпо қилиб, уларга жаҳондаги йирик давлатларнинг пойтахлари номларини берди: Бағдод, Дамашқ, Қоҳира, Шероз, Султония, Париж ва ҳ.к. Кейинчалик Париж атамаси Форишга айланиб кетгани бунинг исботидир.

Пойтахт Самарқанддаги бунёдкорлик ишлари Темур учун сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, у қурдирган иморатлар кишиларни ҳайратга солиши ва салтанатнинг куч-кудратини авлодларга етказиши керак эди. Хукмдор режасига кўра савдогарлар товарлар билан бирга салтанатнинг буюк улуғворлигию, унга қаршилиқ кўрсатишнинг беҳуда эканлиги тўғрисидаги тушунчаларни ҳам олиб кетишлари керак бўлган. Бундан ташқари курилаётган маҳобатли бинолар гўзаллиги аввалги барча иншоотлардан устун бўлиши, бошқа даврларда барпо этилган мавжуд ёдгорликларни орқада қолдириши шарт эди.

Темур салтанати даврида Самарқанд оламга дoston бўлди. Дунё цивилизациясининг уйғониш давридаги маркази бўлган Самарқандда илм-фан, маданият, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги буюк ишлар, бунёдкорлик борасидаги улкан ютуқлар, уни дунё пойтахти сифатида мавжуд бўлишига имкон яратган эди.

Шаҳардаги ободончилик ишларига катта эътибор берилиб, унинг тозаллиги доимо сақланган. Шаҳар атрофидаги муҳофаа ҳандақларида зилол

сувлар мавж уриб оққан. Фақатгина шаҳар ичкарисси обод ва кўркам бўлиб қолмасдан, балки унинг ташқариси ҳам ободонлаштирилган, боғу-роғлар ва салқин оромгоҳу-қасрлар барпо қиолинган. Ҳилма-ҳил ва ажойиб номлар билан аталган оромгоҳлар ўртасида фаввораю-ҳовузлар барпо қилинганлиги сабаб, пойтахт ҳавоси доим мусаффо бўлиб турган.

Илм-фан, маданият ва маорифга катта эътибор бериш билан бирга хунармандчилик ва савдо-сотик ишларига ҳам кенг имкониятлар яратилган. Бундай ишларни олиб борилиши ҳақида Испания элчиси Руи Гонзалес дэ Клавихо шундай деб ёзганб “Самарқандда барча нарсаларни сотиш учун катта жой бўлмагани сабаб, салтанат ҳукмдори Темур шаҳар бўйлаб савдо расталари жойлашган катта кўча қуришни буюрди. Бу расталар узунлиги 800 метрдан мўлроқ масофага эга бўлиб, шаҳарнинг бир четидан иккинчи бир четигача бўлган жойни эгаллаб турган. Бундан ташқари мазкур савдо расталарига савдо моллари етказиб берадиган барча қарвонлар ва қарвонбошилар учун ҳам қарвонсаройлар барпо этилган ва бу савдо мажмуаси 20 кун ичида қуриб битказилган ва шаҳар аҳлига хизмат кўрсатган”.

Соҳибқирон фармонига асосан салтанат бозорларида тартиб-интизом жуда қаттиқ бўлган, нарх-наво устидан доимий назорат ўрнатилган бўлиб, харидор ҳақида ҳиёнат қилган сотувчиларни ва иймонсиз чайқовчиларни маҳсус назоратчилар қаттиқ жазолаганлар.

Расмий равишда Самарқанд дунё пойтахти деб таън олинмаган бўлса ҳам, амалий равишда бу шаҳар дунё пойтахти сифатида илм-фан ривожига, бунёдкорлик ва меъморчилик санъатига, дунё дипломатия соҳасига, дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, ҳарбий санъатни такомиллаштиришга ўзининг улкан ҳиссасини қўшганлиги тарих саҳифаларида битилган.

2. Амир Темур томонидан Шаҳрисабзда барпо этилган меъморий ёдгорликлар.

“Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг” (Амир Темур ўғитларидан)

Ўзининг одилона давлат сиёсати, моҳир саркардалиги, катта-кичикка, бой-камбағалга бўлган тенг муносабати билан бутун оламга номи таралган Амир Темур дунё тарихида фақатгина давлат ва сиёсат бобида ном қолдирмасдан, балки ижодкорлик, бунёдкорлик ва шаҳарсозлик бобларида ҳам катта ишларни амалга оширган. У салтанат тепасига келган кундан бошлаб меъморчилик соҳасида улкан ишларни бошлаб юборган. Соҳибқирон даврида қурилган кўпгина меъморчилик намуналари тўлиқ бўлмасда, бизнинг кунларгача етиб келгани диққатга сазавордир.

Шахрисабзда Соҳибқирон томонидан бунёд қилинган “Оқ сарой” мажмуаси, “Дор ус-Саодат” ва “Дор ут-Тиловат” каби меъморчилик ансамблларининг бизгача етиб келган қисмлари ҳозирги кунгача ўзининг салобатини, кўркамлигини сақлаб қолганлиги фикримизнинг далилидир. Соҳибқирон кўрсатмасига асосан 1379 йил охирида хоразмлик меъморлар ва уста қурувчилар иштирокида улкан иншоот “Оқ сарой” мажмуаси қурилиши бошланган. Мазкур сарой 20 йил давомида қуриб битказилган. Тарихий манбаларга кўра сарой деворларининг эни(қалинлиги) 22 метр, баландлиги 40 метрдан иборат бўлиб, ҳақиқий мушофаа иншооти ҳисобланган. Шу кунгача сақланиб қолган сарой пештоқлари, вайрон бўлган девор қолдиқлари ўзининг салобати билан сайёҳлар диққатини жалб қилиб келмоқда. Сарой безаклари орасида кўплаб геометрик шакл ва нақшлар ишланганлиги, уларга турли ранглар билан жило берилганлиги ҳукмдорнинг нақадар нафис дидли бўлганлигидан дарак беради. Девор пештоқларидаги қуфий ёзувларда битилган номлар Соҳибқирон даврида ҳаттотлик санъати, маданият ва маориф юксак ривожланганидан исботдир. Сарой қурилишида ишлатилган рангларнинг сифати юқори даражада бўлгани учун, ранглар ой нурида товланиб, ранг-баранг жилоланган ва ўзидан нур тарқатиб турган улкан бу сарой “Оқ Сарой” деб аталган.

Соҳибқирон барпо қилган улкан иншоотлардан яна бири “Дор ус-Саодат”(баъзи манбаларда “Дор ус-Сиёдат”) номи билан машҳур бўлган. Ушбу жумлалар араб тилидан “Бахт уйи” (ёки “Раҳбарлар уйи”) деб таржима қилинади. Бу ёдгорлик асосан мачит ва мақбаралардан иборат бўлиб, бу ерга теурий шахзодалар, уларга яқин бўлган ҳукмдорлар ва уларнинг оила аъзолари дафн қилинган. Соҳибқироннинг бевақт вафот этган ўғли Жаҳонгир Мирзо, жангларда ҳалок бўлган ўғли Умаршайх ҳам “Дор ус-Саодат” мажмуасига дафн қилинган. Ушбу мажмуа бир неча мақбара ва Ҳазрати Имом масжидидан иборат этиб барпо қилинган.



Бу кўркам ёдгорликнинг узунлиги 70метр, энига 50 метр, ва ғарбий томондаги равоқнинг кенлиги 30 метрдан иборатлиги унинг салобатли бўлганлигидан даракдир. Кейинчалик Соҳибқироннинг кўрсатмасига биноан ҳудди шундай ўлчамдаги ва тарҳдаги мақбара – ёдгорлик, Ясси (ҳозирги Туркистон) шаҳрида (Қозоғистон давлати) ислом дунёсидаги машҳур уламолардан бири бўлган Хўжа Аҳмад Яссавий олий зотлари учун барпо қилинган.

“Дор ус-Саодат” мажмуасидаги кўпгина обидалар бизгача яхши сақланмаган ва етиб келмаган бўлсада, мақбара безаклари орасида: “Доно киши буюк мақсадлар билан ҳаракат қилади, тентак одам юксак мақсадни тутиб туради” деган араб ёзувлари ҳозиргача яхши сақланган.

Бу ансамблдаги Ҳазрати Имом масжидидан тахминан 40 метрлар чамасидаги масофада Амир Темур ўзи учун барпо қилган сағана мавжуд. Бу

сағана Соҳибқирон даври меъморчилигининг ажойиб намунаси сифатида сақланмоқда. Бу ёдгорликни барпо қилишда мрамртошлардан кенг фойдаланилган, сағана пештоқларига Қуръони Карим оятлари битилган. Сағана марказида Соҳибқирон амри билан унга аталган тош тобут мавжуд. Лекин тақдир ва тарих тақазоси билан Ўтрор шаҳрида оламдан кўз юмган Амир Темур бу ердаги тош тобутга эмас, балки Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасига дафн қилинган ва Соҳибқирон васиятларидан бири амалга ошмай қолган.

“Дор ус-Саодат” ансамблидаги энг йирик обида Ҳазрати Имом масжиди бўлиб, бу ёдгорлик VIII-асрда яшаган ислом оламидаги таникли файласуф олим, имом Мухаммад ибн ал-Хасан ибн Воҳид Абу Адуллох Шайбоний номи билан аталган. Унинг сабаби: Соҳибқирон юқорида тилга олинган имом ҳазратларининг руҳини бағоят ҳурмат қилганлар ва у кишининг таълимотидан баҳра олган бўлиб, ул зоти олийларининг номларини улуғлаб, имомнинг суяк ва хоки тупроқларини Эроннинг Рей шаҳридан Кеш шаҳрига олиб келтирган ва шу ерга дафн қилишга амр қилган. Бу ерда қурилган улкан масжидга ул зотнинг номларини берганлар.

Ҳозирги кунда “Дор ус-Саодат” мажмуасининг жанубий- ғарб томонида тўлиқ бўлмасида анчагина қисми жуда яхши сақланган меъморчилик обидалари мавжуд. Бу обидалар дунё тарихига “Дор ут-Тиловат” номи билан кирган ансамблдир. “Дор ут-Тиловат” арабчадан Қуръони Карим ўқиладиган жой деб таржима қилинади. Бу ёдгорлик таркибида Амир Темур даврининг ҳурматли ва билимдон дин уламоларидан бири бўлган Шайх Шамсутдин Кулол мақбараси, Гумбази Сайидхон мақбараси ва темурзода Мирзо Улуғбек томонидан барпо қилинган “Кўк гумбаз” жомеъ масжиди мавжуд.

Соҳибқироннинг оталари Тарағай Бек шайх Шамсутдин Кулолни ўз устози деб билган ва у кишини доимо эъзозлаб келган. Тарағай Бек кўрсатмасига асосан шайх Шамсутдин Кулол вафотидан сўнг “Дор ут-Тиловат” мажмуасига дафн қилинган. Кези келганда шуни айтиш керакки, Тарағай Бек ҳам вафотидан кейин ўз устози Шайх Шамсутдин Кулол мақбараси яқинига дафн этилгани ҳам, шогирднинг устозга бўлган ҳурматидан дарак бериб турибди.

3. Соҳибқирон даврида Тошкент воҳасида барпо этилган меъморий обидалар.

Амир Темур салтанати даврида Моварауннаҳр ва унга ёндош бўлган ўлкалар гуллаб яшнаган. Соҳибқирон томонидан Фарғона водийсида, Сирдарё ва Амударё бўйларида, Тошкент воҳасида, Эрон, Ҳиндистон, Кавказ ўлкаларида ва бошқа жойларда улкан қурилиш ҳамда бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Сон-саноксиз шаҳар ва қишлоқлар, мадарса ва масжидлар, қарвонсарой ва ҳаммомлар, шифохона ва кутубхоналар барпо қилинган.

Соҳибқирон ўз давридан олдин вайронага айланган шаҳар ва қишлоқларни тиклаш борасида ҳам катта ишларни амалга оширган. Тарихдан биламизки, Оҳангарон ва Чирчиқ дарёлари қўшилган жойда кўркам бир шаҳар бўлган. Бу шаҳар 1219 йилда Чингизхон қўшинлари томонидан вайрон қилинган. 1382-83 йилларда Соҳибқирон томонидан юқорида тилган олинган, яъни тарихда Бинкент (баъзи манбаларда Банокент, Тошкент) номи билан машҳур бўлган шаҳар қайта тикланган ва унга Темурнинг сеvimли ўғли Шохрух номи берилиб, Шохрухия деб аталган. Бу шаҳарни тиклашда меъморчиликнинг юксак намуналари ишлатилган. Шаҳар Соҳибқирон салтанатининг энг гўзал, кўркам ва мустаҳкам муҳофаа шаҳарларидан бирига айланган. Афсус, салтанат инқирозга учрагандан сўнг бўлиб ўтган урушлар натижасида Шохрухия шаҳри ҳам вайронага айланган ҳамда мангу уйқуга кетган. Агар ҳозирги кун нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Шохрухия шаҳри Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги Султон Сегизбоев жамоа ҳўжалиги депарасидаги улкан тепалик остида ётганлигининг гувоҳи бўламиз.

4. Соҳибқирон яратган боғу-роғлар.

Биз юқоридаги маълумотларда саркарда Амир Темур томонидан барпо этилган ёдгорликларни баъзи бирларини эътиборингизга ҳавола қилдик. Ул зот яратган обидаларнинг доvруғи Европага етиб боргани ҳақидаги хабарлар кўпгина тарихий манбаларда битилган.

Соҳибқирон барпо қилган сўлим ва гўзал боғлар ҳақида гапирадиган бўлсак, Кеш ва Қаршидаги оромгоҳ боғларни, Самарқанддаги мўъжиза оромгоҳларни, Шохрухияда, Хиротда, Ҳиндистон ва Озарбайжондаги ҳамда Кавказ орти мамлакатларида яратилган жаннат макон боғларни, меъморчилик санъатининг юксак намуналари деб айтсак хато бўлмайди. Шаҳрисабз(Кеш)даги Оқ Сарой ва унинг кўркам боғлари испан элчисининг номалари туфайли Европага танилгани тарих зарварақларидан ўрин олган.

Хиротда 1398-99 йиллари барпо қилинган Боғи Шаҳр Соҳибқирон номини тарихда улуғлагани сир эмас. Шохрухия сарой боғлари кишиларни лол қолдиргани тарихдан кўпчиликка маълум.

Амир Темур кўрсатмасига асосан Фарғона водийсида барпо қилинган мевазор боғларнинг доvруғи-достони ва даvоми ҳозирги кунларгача етиб келганлиги, Соҳибқироннинг боғдорчилик санъатига қўшган улкан ҳиссаси эканлигидан даракдир.

Самарқанд темурийлар салтанатининг асосий пойтахти бўлганлиги сабали бу шаҳарда барпо қилинган боғлар салтанат учун шон-шараф бўлгани бежиз эмас. Самарқанд шаҳрининг шимол қисмида Соҳибқирон томонидан “Боғи баланд” барпо қилинган. Бу боғ Чўлпон Ота тепалиги массивини эгаллаган бўлиб, узумзору анжирзорлари алоҳида қилиб яратилган. Ҳозирги

кунда Республикамиз Президенти И.Каримов кўрсатмасига биноан кўпгина ёдгорликлар қатори “Боғи баланд” ҳам қайтадан тикланди ва тикланмоқда.

Самарқанднинг ғарб томонида 1378 йилда Соҳибқирон хотини Туман Оға Бегим учун “Боғи беҳишт” (Жаннат боғ) деб аталган сўлим гўшага асос солган. Бу боғ меъморчиликнинг юксак ва аъло даражадаги намунаси бўлиб, улкан боғ ва қасрдан иборат бўлган. Боғ-сарой сувли хандақ билан ўралган, боғдаги иншоотларни қуришда Эроннинг Табриз шаҳридан келтирилган оқ мармар тошлар ишлатилган. Боғ кўприклари махсус мосламалар орқали кўтарилган ва тушириб турилган. Оромгоҳнинг бир четида эса турли-туман ҳайвонлар намунаси тўпланган кичик бир ҳайвонот боғи ҳам бўлган.

Соҳибқирон 1396-97 йилларда Самарқанднинг шарқ томонида Чумчуқли қишлоғи яқинида “Боғи дилкушо” деб аталган масканни барпо қилган. Боғ ичидаги биноларни барпо қилишда мармар тошлар кўп ва хўп ишлатилган. Боғ ўртасида 3 қаватли кўшк-қаср бўлган ва унинг миноралари кўкка бўй чўзиб турган. Боғ деворларига эса Соҳибқироннинг Ҳиндистон юришидаги жанг тасвирлари ўз даврининг мўйқалам усталари томонидан моҳирлик билан туширилган. 1404 йил 8 сентябрь куни Амир Темур шу боғ-саройда испан элчиси Рью Гонсалес де Клавихони қабул қилган ва ундан Испания кироли юборган мактубни олган.

Самарқанднинг жануб томонида ул улуг зот томонидан барпо қилинган яна бир боғ-“Боғи жаҳоннома” деб аталган боғ яратилган. Бу боғ дунёни кўрсатувчи боғ баъзан “Ойна боғ” деб ҳам аталган. Мазкур боғ ёнида Темурнинг мустаҳкам қалъаси бўлган ва шу ерда у чет эл юришларига тайёргарлик қилган, шу ердан сафарга жўнаган ва яна шу ерга қайтиб келган. Боғда бошқа ўлкалардан олиб келинган дов-дарахтлар, гуллар экилган, қўлга киритилган ўлжалар ва қимматбаҳо буюмлар шу боғ-саройда сақлангани учун ҳам у “Боғи жаҳоннома” деб аталган. Ҳозир бу боғ ўрнида Ургут туманига қарашли Қоратепа қишлоғи мавжуд.

Соҳибқироннинг “Боғи давлатобод” деб аталган оромгоҳи юқорида тилга олинган “Боғи дилкушо” ва “Боғи жаҳоннома”лар ўртасидаги маконда барпо этилган бўлиб, бу боғ анчагина ҳилват боғ ҳисобланган. Шунинг учун ҳам соҳибқирон бу боғда мириқиб ҳордиқ чиқарган. Салтанат пойтахтининг шарқ томонида Кўчаи ҳиёбон мавзесида “Боғи зоғон”(Зоғлар боғи) ташкил қилинган. Ҳозирги кунда бу боғ ўрнида гўзал ва сўлим “Боғи зоғон” қишлоғи мавжуд.

Пойтахтнинг шимол томонида эса Чилустун қишлоғи атрофида “Боғи майдон” деб номланган кўркам ва ҳашаматли боғ сарой мавжуд бўлган. Боғда чиройли кўшклар ва ҳиёбонлар бўлиб, боғ саройнинг кўрки бўлган тахти равон тилла ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Амир Темурнинг “Боғи чинор” деб аталган гўшаси пойтахтнинг ғарбий-жанубидаги Дарғом ариғи яқинида барпо қилинган бўлиб, боғда мевали дарахтлардан ташқари

чинор дарахти кўпроқ экилгани сабабли Боғи чинор деб юритилган. Ҳозир бу боғ ўрнида Самарқанд туманига қарашли Хўжа Кавшер қишлоғи жойлашиб турибди.

Саркарданинг энг гўзал масканларидан бири “Боғи шамол” пойтахтнинг шимол томонида бўлган. Бу боғ 1397 йилда хукмдорнинг набираси, Мироншоҳнинг қизига атаб барпо қилинган. Боғ сарой қурилишида қора ёғоч(қайроғоч), мрамртош ва фил суяги мўл ишлатилган. Боғ ўртасидаги кўшк саройнинг ҳажми тўртбурчак шаклида бўлиб, томонлари 1500 қадамдан иборат бўлган. Сарой поллари қора ёғочдан ва мрамр тошлардан ишланган ва унга чиройли нақшлар солинган.

Соҳибқироннинг сўнгги яратган боғларидан бири “Боғи нав”, яъни “Янги боғ” деб аталган. Бу боғ Самарқанднинг жануб томонидаги Лолазор қишлоғи яқинида яратилган. Асос солинган йили 1404 йил бўлиб, ушбу боғ тўртбурчак шаклида барпо қилинган бўлиб, атрофи мустаҳкам кўрғон билан билан ўралган, боғнинг тўрт бурчагида 4та минора қад кўтариб турган. Деворлари баланд бўлган бу боғ ўртасида ҳашаматли қаср ва кенг ҳовуз бўлган. Салтанатнинг кўпгина қимматли буюм ва бойликлари шу боғ-саройда сақланган. Боғ-саройга осос бўлган Лолазор қишлоғи ҳозир ҳам мавжуд.

Салтанат хукмдори яратган барча боғларда меваги ва манзарали дарахтлар, турфа гуллар экилган ва парвариш қилинган. Боғлардаги сарҳил ўрик, анор, шафтоли, нок, олма, олхўри, анжир, узум ва бошқа меваларнинг турли навлари экилишига катта эътибор берилган. Терак, тол, сарв, чинор каби манзарали дарахтлар боғлар ва саройлар ҳуснига ҳусн қўшиб турган. Боғларда маҳсус ариқлар, фавворалар ва ҳовузларнинг барпо қилиниши жазирама ёз пайтида боғлар ҳавосини, қолаверса шаҳар ҳавосини мўътадил қилиб турган. Хукмдор бошқа ўлкаларга юришлар қилган пайтида баъзи бир боғлар фойдаланиш учун очиб қўйилган. Боғлардаги пишиб етилган мева-чевалар эса кишиларга бепул тарқатилган.

5. Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасидаги сирли ёзувлар.

Соҳибқирон Амир Темур ибн Тарағай жуда кўп тарихий маълумотларга қараганда 1336 йилнинг 9 апрелида ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани мавзесида жойлашган Хўжаилғор қишлоғида туғилган. Бу таваллуд ўз ўрнида кўп замонлар Чингизхон ситамлари остида эзилган ўзбек халқи, Марказий Осиё халқлари, ҳамда Европа халқлари тарихида жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлиб, донги оламга кетган Темур салтанатини пайдо бўлишига асос бўлди.



Темур ва темурзодалар ўз салтанатларида ва салтанатга қарам бўлган давлатларда шаҳар ва қишлоқлар, сон-саноксиз кўркем ва салобатли бинолар, соя-салқин боғу роғлар, улкан сув иншоотлари, ҳарбий истеҳкомлар яратиб, мадраса ва масжид, кутубхона ва работлар қуриб бутун дунё маданиятига улкан ҳисса қўшдилар. Минг афсуслар бўлсинки, Соҳибқирон ва унинг авлодлари барпо қилган сервиқор ва жилокор ёдгорликларнинг кўпроқ қисми бизгача етиб келмади, етиб келганлари ҳам ҳозирги кунда таъмир талаб ҳолда. Шу сабабли ҳам Президетнимиз И.А.Каримовнинг олиб бораётган самарали ишлар туфайли қадимги ёдгорликларни тиклаш ва уларни келгуси авлодларга етказишга катта аҳамият берилмоқда.

Кўриниб турибдики, маданий-маънавий ёдгорликлар бунёд этиш темурийлар давлати вакилларининг эзгу ишлари бўлган. Амир Темур ислом дини ва маданиятига сидқидилдан ёндошган бўлиб, ўз миллатининг равнақи, дини-диёнати ва мустақиллиги учун доимий равишда қайғурган ва кураш олиб борган.

Темурийлар салтанати давридаги маданий меросни ўрганишда улар тамонидан барпо қилинган салобатли ва гўзал бўлган илм-маърифат масканлари алоҳида ўрин эгаллайди. Булар масжид, мадраса, кутубхона ва макбаралардан иборат бўлиб, халқ учун хизмат қилганлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бундай маънавий ва маданий ёдгорликлар кўп жойларда алоҳида-алоҳида қилиб, кўп ҳолатларда эса бир жойга мужассамлашган мажмуалардан иборат бўлган. Мисол тариқасида қадимги Кешдаги “Дор ус-Саодат”, “Дор ут-Тиловат”, Самарқанддаги “Бибиҳоним”, “Шохи Зинда”, “Гўри Амир”, ҳозирги Қозоғистон давлатининг Туркистон шаҳридаги “Ахмад Яссавий мажмуаси” ва бошқа ёдгорликларни кўрсатишимиз мумкин. Ушбу ёдгорликлар қадим замонлардан бери зиёратчиларни ўзига ром қилиб келаётганлиги Темурийлар салтанатида маданият ва маърифат жуда юксак савияда бўлганлигидан дарак беради.

Биз бу ўринда қадимги Ясси шаҳрида буюк бобомиз Амир Темур курдирган Хожа Ахмад Яссавий номи билан боғлиқ бўлган улкан мажмуа ҳақида бир-икки оғиз сўз юритишни лозим топдик.

Хожа Ахмад Яссавий дини ислом оламида етук ва зукко уломолардан бири бўлиб, шеърят бобида ҳам юқори мавқеда бўлган. Унинг ота-онаси саводли кишилар бўлишган ва улар ўз даврининг маърифат марказлари бўлган Бағдод ва Исфохон шаҳарларидан устозлар ёллаб, ёш ва тиришқок Ахмадга араб, форс тилларини ўргатганлар. Кейинчалик у ўз устози Арслон бобо билан учрашиб, ундан ҳаёт сабоқларини олган. Устози вафотидан сўнг у Бухорои шарифга бориб, форс олими Юсуф ал-Ҳамадонийдан таълим олган ва унга учинчи ҳалифа бўлиб, шайхлик ҳам қилган. Юсуф ал-Ҳамадоний вафотиджан кейин у она шаҳри Яссига қайтиб келган ва шу ерда хонақоҳ қуриб, кишиларга дину-диёнат, бевафо дунё ва унинг жумбоқли ишлари, яхшилик ва ёмонлик тўғрисида ўзининг шеър ва рубойилари орқали хабар

берган, шайхлик қилган. Яссавий 63 ёшга кирганда “Пайғамбар ёшига етдим, бундан буён ҳаёт кечиришим кофирлик” деган фикр билан ўзига бир ҳилхона курдирган ва ер остидаги шу маконда вафотига қадар дунё билан алоқасини узган ҳолда Оллоҳга ибодатлар қилиб ўтган.

Аҳмад Яссавий қолдирган бой меросдан ва унинг “Ҳикматлар”идан баҳра олган Соҳибқирон Яссавийни ўзининг ҳаётидаги йўл кўрсатувчи маёғи деб билган. Узоқ сафарларга отланганда ёки буюк ғалабалардан сўнг у Яссига келиб, Яссавий қабрини зиёрат қилар, руҳи тетиклашиб, яна янги мадад олгандар бўлар, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиларди.

Бобомиз Амир Темур давридан қолган ривоятлардан бирида хикоя қилинишича, Соҳибқирон бир куни туш кўради. Тушида оппоқ кийимли нуроний бир киши: “Эй болам, шу эшитган тўрт қатор хикматни ўқигин ва ёдда тутгин. Сафарларинг олдида доимо уни ёд айлагин, мақсадинга етасан”- дейди. Туш оғушида бўлган Амир Темур ундан “Сиз кимсиз” деб сўраганда, “Мен Яссилик Яссавийман” деб жавоб беради. Чўчиб уйғонган Соҳибқироннинг дилида қуйидаги сатрлар беихтиёр такрорланади:

“Ялдо кечани шаъми шабистон эткон, Бир лаҳзада оламни гулистон эткон. Бас,мушкул ишим тушибдир, осон этгил, Эй барчанинг мушқулин осон эткон.”

Амир Темур ушбу туш таъбирига доим содиқ қолиб, умрининг охиригача юқоридаги рубоийни дилида такрорлаб, кўпдан-кўп ғалабаларни қўлга киритганлиги тарихий исботдир.

Нақл бўйича ҳар бир ривоятда ҳақиқат бор. Аҳмад Яссавийнинг хикматлари бобомиз дилидан жой олгани сабаб, у бу улуғ зотнинг қабри узра кўркам ва салобатли мажмуа қуришга фармон берди. Бу фармон ижроси 1395-96 йиллар давомида амалга оширилди. Ушбу улкан қурилишни олиб бориш Соҳибқирон девонида ободончилик ишлари бўйича вазир, Мавлоно Убайдулло Садрга топширилди. Қурилиш тарх(план)и Амир Темур томонидан белгиланган бўлиб, унинг узунлиги 65 метр, энига тахминан 50 метр атрофида бўлган ва у учта гумбазли бўлишлиги, гумбазларнинг каттаси Жамоатхона(Дошқозонхона) гумбази ҳисобланиб, унинг диаметри 41 газдан, айланаси эса 130 газдан иборат бўлишлигини ва гумбаз асоси саккиз қиррали юлдуз, яъни мусаммон, шаклида бўлишлигини амир қилган.

Бу ёдгорлик ўз даврининг улкан меъморий обидаси бўлибгина қолмасдан, балки бизнинг давримизнинг ҳам нодир ва эъзозли атиқаларидан ҳисобланади. Унинг салобати салобати туфайли ҳар бир зиёратчининг ғурури, ўз халқи ва дину-диёнатига бўлган ҳурмати кўкка тамон кўтарилиши ажиб бир ҳодисадир.

Мақбаранинг ички ва ташқи безаклари ўз даврининг машҳур меъмор-қурувчилари ва наққошлари тамонидан шундай безатилганки, уни кўрганда

ўша даврнинг меъморчилик ва наққошлик санъатига лол қоласан киши. Айниқса, мажмуанинг ташқи ва ички деворларига ҳар хил геометрик шакллар туширилган сирли нақшлар аслида турли ёзув услубларида битилган арабча ёзувлар эканлигига барча ҳам эътибор бермаса керак. Агар эътибор берган бўлсангиз, деворлардаги геометрик шакллар орасида “Оллоҳ рабби-Мухаммад наби”, “Оллоҳу Акбар”, “Субҳон Оллоҳ” каби жумлалар мавжудлигидан хабар топгансиз деб ўйлаймиз. Олимларимиз тамонидан мажмуа қурилишидаги сеҳрли безак-нақшларни ўрганиш бўйича олиб борилган илмий текшириш ишлари натижасида кўпгина қизиқарли ва қимматли маълумотлар олинди. Бу маълумотларда мажмуа қурилишининг бош усталари Хўжа Хасан Шерозий ва Шамс Абд ал-Ваххоблар бўлганлиги, бўйи салкам икки ярим метрли улкан дошқозонни Табриз шаҳрида яшаган уста Абдул Азиз ибн Шарафиддин ясаганлигини, салобатли шамдонларни эса Исфаҳон шаҳрида яшаган уста Изауддин ибн Тождидин, ҳамда нақшлари кишини ўзига ром қилувчи эшикларни уста Сафар ясаганлиги баён этилган.

Агар сиз Туркистонга бориб қолсангиз, Аҳмад Яссавий номи билан боғлиқ бу салобатли ёдгорликни сал олисдан кўришга ҳаракат қилинг. Чунки мажмуанинг девор пештоқларига ёзилган арабча битиклар сизни ўзига ром қилиши муқаррар. Мабодо сиз араб тилини билсангиз мажмуанинг пештоқларига усталик билан ёзилган Қуръони Карим оятларини ўқиб олишингиз мумкин бўлади. Унда Анъом сурасининг 59-ояти ғарбий пештоқда тўлиқ ёзилиб, 60-оят бошлангани ва бу оят мажмуанинг шимолий пештоқида давом этиб, марказий эшикнинг тепа-чап қисмида тутаганлигини ва шу ерда 61-оят бошланиб, уни шарқий пештоққа ўтиб тугугани, 62-оят тўлиқ равишда ва 63-оят тўлиқ бўлмаган ҳолда шарқий девор пештоқларига битилганлиги, ҳамда битикларнинг охирида ушбу ёзув ва нақшлар ўз даврининг машҳур наққоши ва хаттоти Хўжа Хасан Шерозий тамонидан амалга оширилгани ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Ислом динининг Қомуси ҳисобланган Қурони каримдаги Анъом сурасининг 59-оятида шундай дейилган: “Ғайб очкичлари Унинг ҳузуридадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур. У қуруқлик ва денгиздаги бор нарсаларни билур. Бирон барг шоҳидан узилиб тушмас, магар У билур. Ер тубидаги ҳар бир дон, бор ҳўлу-қуруқ нарса, албатта, Очиқ Китобда(яъни Оллоҳнинг илми азалийсида) мавжуддир”. 60-оятда эса: “У кечаси – жонингизни оладиган(яъни уйқу берадиган), кундузи қилган ишингизни биладиган Зотдир. Сўнгра айтилган ажал (яшаш учун берилган муҳлат) адо қилиниши учун унда(яъни кундузи) сизларни тирилтирур. Кейин Ўзига қайтишингиз бордир. Сўнгра сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур”, деб ёзилган. 61-оятда эса, Оллоҳнинг ғолиблиги, фаришталарни элчи қилиб юбориши ва ҳақ бўлган ўлим ҳақида ёзилган. 62-оятда: Бандаларнинг Оллоҳ ҳузурига қайтиб бориши, Унинг олдида ҳисоб беришлари тўғрисида баён қилинган. 63-оят эса, ... Сизлар ошкора ва ҳуфёна тавба қилиб, илтижо қиладиган пайтингизда Ким сизга нажот беради- деб,

қайсидир сабабларга кўра бу оят пештоққа тўлиқ ёзилмай қолган. Ушбу оят охирида хаттот Хўжа Хасан Шерозий номи битилган.

Қурони карим тарихидан биз биламизки, жуда кўп суралар бўлиниб-бўлиниб, ҳар хил муддатларда нозил бўлгани ҳолда Анъом сураси Маккаи-Мукаррамада бир кечада тўла нозил бўлганлиги кишини ҳайратга солади. Ушбу сура Оллоҳни яратувчиликда ва шариатда ягона эканлигини уқтиради. Бу дунё биз учун синов олами эканлиги, бандалар Оллоҳнинг қарамоғида эканликлари, бу дунёни обод ва вайрон қилиш эса инсонлар қўлида эканлиги эслатиб ўтилади.

ХУЛОСА

Соҳибқирон даврида ўлкамизда фан ва маданият барқ уриб ўсди, ривожланди ва камол топди. Она диёримиз XIV-XV асрларда жаҳон цивилизациясининг маркази айланишида ва тарихда ўчмас из қолдиришида Амир Темурининг хизматлари чексиздир. Чех шарқшунос олими Феликс Тауэр ибораси билан айтганда: “Туркистоннинг бу ёруғ машъали ўзининг сермазмун ҳаёти, бунёдкорлиги ва инсонпарварлик ғояларининг нури билан маёқ сингари ҳамон порлаб, инсонлар қалбига илиқ нурларини сочиб. Уларни улкан ва ҳайрли ишларга ундаб турибди”. Ёки араб тарихчиси Абул Фатх ал Бустий айтганидек: Ул дунёда жаннат бордир мўминларга аталган, Бул дунё жаннатининг номи эрур Самарқанд.

Юқорида тилга олинган ёдгорликлар ҳақида гапирганимизда Соҳибқирон саройида элчи вазифасида бўлган испан давлати фуқароси Рью Гонсалес де Клавихо “Оқ сарой” боғларини, пойтахт Самарқанд боғу-роғларини, ҳамда бошқа тарихий обидаларни салобатли, кўркам қилиб барпо этилганлигини кўп марта таърифлаб ёзган. Элчи Клавихонинг маълумотлари туфайли Соҳибқирон яратган обидаларнинг довуғи бутун Европага етиб борганлигини эслаш, биз учун фахр.

Улкан қурилиш ишларини барпо қилиш билан биргаликда Соҳибқирон ислом уламолари, диний дунёдаги олий зотларнинг хотираларини абадийлаштириш мақсадида уларнинг мақбараларини барпо қилганлар. Шундай ёдгорликлардан бири шаҳри азим Тошкентдаги Занги Ота мақбараси эканлигини кўрсатиб ўтиш кифоядир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, темурийлар салтанати вакиллари жаҳон давлатчилик сиёсати қонунларига, жаҳон меъморчилик санъатига ва дунё фанларига катта ҳисса қўшганлар. Қўхна Кеш ва Самарқанддаги, Туркистон ва Бухородаги, Деҳли ва Қобулдаги буюк, кўркам обидалар, Аградаги машҳур Тож Маҳал мақбараси ва бошқа жойлардаги сўлим боғу-роғлар, меъморчилик ақидалари Темур ва темурзодалар томонидан барпо қилинганлиги ўзбеклар номини, ўзбеклар юртини асрлар оша тарих зарварақларига сингдириб келди, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Соҳибқирон ҳам Анъом сурасидаги оятларни ёд айлаб, инсон бу вофсиз дунёда абадий эмаслигини, пайти келиб Арши-аълога узоқ сафари бошланишини, шу сабабдан Оллоҳ тамонидан яшаш учун берилган озми-кўпми, қисқа давр мобайнида яхши ва эзгу ишлар қилиб, яратувчилик бобида улкан қурилишлар барпо қилиши, катта-кичик, бой-камбағалга бир хил муносабатда бўлиши, ҳамда бошқа кўпгина яхши ҳислатлари, бобомиз Амир Темурининг ислом динига ва ўз салтанатининг равнақиға бўлган эътиқоди-ю қарашларидан дарак бериб турганлиги диққатға сазавордир.

Фойдаланилган адабиётлар рйўхати.

1. И.А.Каримов. “Амир Темур ҳақида сўз” БМТ ЮНЕСКО қороргоҳидаги нутқи. Париж. 1996 й 20 бет.
2. С.Сиддиқов, А.Ахмедов, Б.Ахмедов ва бошқалар. “Амир Темур Жаҳон тарихида” Тошкент. “Шарқ”-2001й.
3. З.Муқимов "Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи" Самарқанд, “Зарофшон”. 1998 й.
4. Х.Бобоев. “ АмирТемур ва Темурийлар салтанати” Тошкент, "Камалак"1996 й.
5. Амир Темур ўғитлари Т., 1992 й.
6. Б.Ахмедов. “Тарихдан сабоқлар”.Тошкент. “Ўқтувчи”, 1994й.
7. А.Сагдуллаев ва бошқалар. “Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти.” 1-қисм “Академия”. Т., 2000 й.
8. “Темур Тузиклари” “G’ofur G’ulom”. Т., 1991\2005 й.
9. Ҳ.Б.Бобоев. “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи”.Т.: - 2005 й.
10. .“Histoire des conquetes de Tamerlan intitulee Zafar-nama par Nizamuddine Sami” Т.1- 1937.Ed.par F.Tauer,Praha. Т.2- 1956.Ed.par F.Tauer,Praha.